


**1-савол.** Талаба ўқишини кўчирмоқчи бўлса ёки ўқишга қайта тикланмоқчи бўлса, кимга муурожаат қилиши лозим?

**Жавоб.** Бу масалада 4 та вазиятли ҳолат бўлиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда ўзига хос йўл тугилади. Ҳар бир вазиятни алоҳида кўриб чиқамиз.

### **БИРИНЧИ ВАЗИЯТ.**

Ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш бир ОТМ доирасида, масалан, А номли университетда бўлмоқда.



А номли университет

*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдоими?*

1-вариант: Ҳа!


**Жавоб:** ОТМ ректорининг буйруғи билан!

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!

### **ИККИНЧИ ВАЗИЯТ.**

Н номли вазирлик (идора) тасарруфидаги университетлар



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдоими?*

1-вариант: Ҳа!


**Жавоб:** N номли вазирлик (идора) қарори билан!

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!


## УЧИНЧИ ВАЗИЯТ.

N номли вазирлик (идора)  
тасарруфидаги университет



A номли университет

S номли вазирлик (идора)  
тасарруфидаги университет



B номли университет

Талаба  
A номли  
ОТМдан  
B номли ОТМга  
кўчирилмоқда.



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдоими?*

1-вариант: Ҳа!


**Жавоб:** S номли вазирлик (идора) қарори билан! (бошқача айтганда, талаба кўчиб ўтаётган университет қарашли бўлган вазирлик (идора) қарори билан)

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!


## ТўРТИНЧИ ВАЗИЯТ.

Хорижий давлат



A номли университет

Ўзбекистон Республикаси



B номли университет

Талаба  
A номли  
ОТМдан  
B номли ОТМга  
кўчирилмоқда.



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдоими?*

1-вариант: Ҳа!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!

Умумий хулоса: Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдош бўлмаса ёки мос ва турдош бўлса-да, бироқ хорижий давлатнинг аккредитацияга эга бўлган ОТМдан Ўзбекистон ОТМга ўқиш кўчирилаётган/қайта тикланаётган бўлса, ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш Идоралараро комиссия қарори билан амалга оширилади.


**2-савол. Идоралараро комиссия деганда, қандай комиссия тушунилмоқда?**

**Жавоб.** Маълумки, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси тузилган. Мазкур комиссия томонидан ўзининг қошида *Талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш идоралараро комиссияси* ташкил этилади. Мана шу комиссия қисқача Идоралараро комиссия деб юритилмоқда. Унинг раиси ва масъул котиби юқорида номи тилга олинган Давлат комиссияси қарори билан тайинланади, Идоралараро комиссия таркибига тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар вакиллари киритилади.

**3-савол. Бир таълим муассасасида талабалар сафидан четлаштирилган шахс бошқа таълим муассасасига ўқишга қайта тикланиши мумкинми?**

**Жавоб.** Мумкин. Бунда шахснинг илгари таълим олган ОТМ розилиги талаб этилмайди. Қуйидаги вазиятларга эътиборни қаратайлик.

#### **БИРИНЧИ ВАЗИЯТ.**



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдошми?*

**1-вариант:** Ҳа!


**Жавоб:** (Агар 5 йилдан ортиқ муддат ўтмаган бўлса,) N номли вазирлик (идора) қарори билан! A номли университетнинг розилиги талаб этилмайди.

**2-вариант:** Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!

*Н.В. Йўналиш* (мутахассислик) мос ва турдош бўлиб, орадан 5 йилдан ортиқ муддат ўтган бўлса, Идоралараро комиссия қарори билан!

### ИККИНЧИ ВАЗИЯТ.



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдошими?*

1-вариант: Ҳа!


**Жавоб:** (Агар 5 йилдан ортиқ муддат ўтмаган бўлса,) **S** номли вазирлик (идора) қарори билан! (Бошқача айтганда, талаба тикланаётган университет қарашли бўлган вазирлик (идора) қарори билан). **A** номли университетнинг розилиги талаб этилмайди.

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан!

*Н.В. Йўналиш* (мутахассислик) мос ва турдош бўлиб, орадан 5 йилдан ортиқ муддат ўтган бўлса, Идоралараро комиссия қарори билан!

### УЧИНЧИ ВАЗИЯТ.



*Йўналишлар (мутахассисликлар) мос ва турдоими?*

1-вариант: Ҳа!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан! А номли университетнинг розилиги талаб этилмайди.

2-вариант: Йўқ!

**Жавоб:** Идоралараро комиссия қарори билан! А номли университетнинг розилиги талаб этилмайди.



### *Шартли қисқартмалар*

**ОТМ** олий таълим муассасаси

**Н.В.** *nota bene* (лотинча) – “эътибор беринг”, “ёдда тутинг”